



Ўзбекистон adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЬАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 27-oktabr №42 (4753)

Марказий Осиё давлатлари интеграциялашуви борасидаги интилишилар Янги Ўзбекистон ташки сиёсатининг муҳим бўгинига айланганини ўзбек-қирғиз халқларининг ҳар соҳада яқинлашиб бораётгани ҳам исботлайди. Минтақа раҳбарларининг доимий учрашувлари эса, бир-бирига қавму қариндош, ога-ини халқларнинг барчаси учун бирдек муҳим бўлган масалаларни ҳал қилишида янги имкониятларни очмоқда. Минтақа ичида алоқаларни мустаҳкамлаш, халқларнинг ўзаро мулоқоти учун қулай шарт-шароитлар яратиш имкони барча учун фойдали натижаларга олиб келади.

Ўзбек халқи билан бир дарёдан сув ичib, бир заминда ёнма-ён кўни-кўшичиликда яшаб келган кирғиз элининг буюк оқини, Кирғизистон халқ шоири, Кирғизистон Фанлар академияси академиги Аали Тўкомбоевнинг куйидаги савмий сатрларидаги дилдошлик ўткинчи иддаолардан устун турган холда, хушёрликка даъват этा�ётгандек:

Алишер, сенинг тилинг –
менинг тилим,
Алишер, сенинг дилинг –
менинг дилим.
Кел, бирга жўр бўлайлик,
орзуларинг

Очилди чаман бўлиб мана бугу.

Ўзаро самимий муносабат, меҳру муҳаббат, тил ва дил бирлиги иккни кондош ва жондош халқнинг оддий турмуш тарзидан тортиб дунёнинг глобал мумомларини хамжихатлиқда ҳал этишида ҳам намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки йилларидақи “Кирғизистон бизнинг янки кўшинимиз. Шунинг учун бизнинг орамизда ҳеч кандай чегара бўлиши мумкин эмас. Биз бир-биримизга қалбимизни, бағризни очдик”, деганида халкларимиз ўр-

тасидаги алоқаларнинг бугунги боскичга чиқишига тамал тошини кўйган эди.

Ўзбеклар бошидан турли даврларда кечирган оғир-енгил кунлар кирғиз халқининг ҳам ўтмишидир. Ўтган асрнинг ўттизинчи-эллигинчи йилларида бўлиб ўтган катагонлар миллатнинг асл фарзандлари, эл-юрги баҳтини ўйлаган фидойиларнинг буюк максадларига етишларига ўйлар кўймади. Кирғиз Республикасида ҳар йили 7-8 ноябрда Тарих ва аждодлар хотири куни нишонланади. Бу йил Ота Байит хотира мажмуси тарихи – катагон курбонлари кунининг 85 йиллигини нишонлайдилар. Шу муносабат билан Кирғизистонда 10 жилдлик “Кирғиз Республикасидағи сиёсий репрессия курбонлари китоби” (1920 – 1953.) чоп этилди. Ҳозирги Ўзбекистон худудида туғилган ва Кирғизистондаги катагонда курбон бўлган ўзбеклар хакида алоҳидаги китоб эса “Ота Байит” мажмуси директори, тарих фанлари доктори Булат Абдурахмонов ва Кирғиз Республикасидағи “Кирғиз – ўзбек дўстлик жамияти” раи-



си, таникли ёзувчи Begizhan Ahmedov ҳаммуаллифлигида чоп этилди.

Жорий йилнинг 5 ноябрда мудхиш Чўнг Тош воқеаси содир бўлганига 85 йил тўлади. Китоб тақдимоти шу санада бўлиб ўтади.

Ҳеч кимга сир эмас, Тошкент шаҳри Туркистон ўлқасининг бош кенти сифатида минтақа республикаларига раҳбар кадрлар етказиб бериша мухим роль ўйнаған. Жумладан, Кирғиз Республикасидағи аксарият раҳбарлар ҳам Тошкентда ўқиб, етакчилик сир-асрорларини ўрганишган. Шаҳарга вактларда Кирғизистонда яшаб, ишлаган сирдарёлик, тошкентлик, войдиллик ўзбеклар ҳам катагон килинган. Бу ҳақда ҳали яна изланишлар олиб бориб, уларнинг килган ишлари, олиб борган фаолиятлари, аччиқ тақдир-кисмати хакида алоҳида китоблар

яратиш эҳтиёжи кун тартибидан тушмаслигини Кирғиз Республикасида яхши англашади.

Бир инсоннинг ҳаётдан ноҳақ кетиши замину самони титратиб юбориши хакида турли халқларнинг кадим мукаддас битикларидан тортиб конун устувор дунёвий давлатларнинг инсон хукукларини химоя килиш борасидаги ёзувларигача катта ҳархларда сабт этиб келинади. Инсон химоясида бўлмаган жамият ҳалолатга маҳкум эканини мустабид тузумларнинг узунидан-узун туганмас қисмати исбот этган. Ўтган асрнинг иккичи чораги давомида бўлиб ўтган кора кирғин собиқ иттифок худудидаги турли халқларга катта талоғатлар келтириб, уларнинг энг илғор қисмини ноконунүй равишида НКВД орғанлари томонидан йўқотиб юборди. 1937 – 1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам катагонга учраб, уларнинг 13 минг нафари отиб ташланди.

►2

Чўнг тош воқеаси



Ko'ngil mintaqasi

“МЕН ШЕЪР АЙТСАМ, БУ ҲАЁТ ЯНА ШАҲН ҲАЁТ БЎЛГАЙ...”

Шеърият шундай бир йўлдирки, йўловчи ҳар қадамда неча минг меҳнату заҳматга дуч келиши мүқаррар. Шеърият шундай бир довондирки, ишқ отига минмай туриб бу довондан ошиб ўтмоқ маҳол. Бу ўлнинг озиги дарду меҳнат, улови – ишқ. Ҳазрат Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида мана бундай ёзди: “Бўлурдин даҳр бўстонида мавжуд, Эмасдур гайри сўзу дард мақсуд. Ки, ишқ аҳлидин ўлгай достоне, Муҳаббат хайлидин қолгай нишоне”.



Англадим: Бу дунё қўшиқлик экан, Унда олий мансаб – ошиқлик экан.

Қўрдим: Шоҳу гадо ёнма-ён келур. Кимки бенишк бўлса бенишон келур. Шонг ўз олдига катта максадлар кўяди. Ёр суратининг жозиб тасвири учун сўз кидиради. Муддаоси – афсоналарнинг тушига кирмаган сўзларни топмок:

Қўшларингни тасвирлайман, Қўзларинг учун Сўзлар кидираман – энг порлок сўзлар. Соҷларингни тасвирлайман, Афсоналарнинг Тушига кирмаган сўзларни топиб.

►4

Бу ўринда “сўз” – куйидириш, ўрташ маъноларида. Демак, ҳазрат боқалонимиз таъбира, инсоннинг даҳр бўстонига келишидан мурод – сўзу дард. Қалба ишқ оташа, юракда дард бўлиши – инсонликинин бош омили. Шундагина ишқ элидан достон, муҳаббат аҳлидан нишон колмоги мумкин. Сўзу дардан мурод Ҳак ишқи экани сир эмас. Ана шу талабларга жавоб берга олган асаригина ўқувчи калбининг нозик торларига, туйгуларига нур олиб киради, замонлар синовидан ўта билади. Бугунги шеъриятимиз бу талабларга канчалик жавоб беради? Ҳолбуки, қарийб бир ярим аср давом этган истибод, худосизлик сиёсати кўнгиллардан Ҳак

ишикини сугуриб олишига каратилган эди. Бирок кўнгил шундай бир хилқатки, унинг хазиналари ўзини ҳар доим ҳам ошкор этавермайди. Ҳакиқий шоир эса, кўнглидаги маъно жавоҳирларини минг бир пардага ўраб, бадиият дурлари билан зиннатлаб сувратлантиради. Мажозий ишқ замонида Ҳак ишқини куйлайди. Менинг назаримда, Сирожиддин Сайид ана шундай шоирилар спрасишига киради.

У ишқи параст шоир. Шеърларida ишқ шунчаки анъана ҳосиласи эмас, кўнгил такозоси ўларок назм этилади. Унингча, ошиқлик – энг олий мансаб, беишқ одам – шоҳми ё гадо, ким бўлишидан катъи назар, бенишондир.

Асқар АЙТМАТОВ:

“ИНСОН УЧУН ҲАЁТ МУҲИМ, ЯШАШ ЗАРУР”

Самарқанд вилоятидаги Абдулҳамид Мажедий номидаги Каттақўргон шаҳар ўзбек драма театрида атоқли қирғиз адаби Чингиз Айтматов таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан унинг “Эрта қайтган турнадар” қиссаси саҳналаширилди. Асарни саҳнага олиб чиқиши арафасида бу ерга ташириф буюрган Чингиз Айтматовнинг ўғли Асқар Айтматов сўзга чиқиб, ўзбек-қирғиз халқлари дўстлиги, адабий алоқалар, Чингиз Айтматов ижодига Ўзбекистонда берилётган эътибор ҳақида сўз юритди. Боши мұхаррир Ҳұмоян Ақбаров “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси учун Асқар АЙТМАТОВ билан эксклюзив интервью юшишилди. Мазкур сұхбатни эътиборингизга ҳавола этајпмиз.



– Асқар Чингизович, Ўзбекистонга хуш келибсиз?

– Раҳмат. Хушвақт бўлинг.

– Ўзбек халқи Чингиз Айтматовни ўз ёзувчиси сифатида яхши кўради.

– Буни мен биламан. Отамнинг ўртингизга, халқингизга, адабиётингизга мөхри ўзгача эди. Бағрикенглиқ, симимиятни ўзбеклардан ўрганиш керак, дерди.

– Ўзбек китобхонларининг Чингиз Айтматовга мөхри юниси

саклиги сабаби нимада деб ўйласиз?

– Халкларимиз ҳаётининг ўзашлигига. Отам рус тилида ижод килган бўлса-да, ҳеч қаочон қирғиз заминидан узоқлашиб кетмаган. Эътибор бериб қарасантиз, унинг асарларида ишлатилган мақолу номлар хар иккиси халқа хос бўлганидек, ривоятлару асотириларнинг илдизлари умумтурк сарчашмалари бориб бўлганади. Уруш жа-

фоларини қирғиз халқи канчалик оғир кечирган бўлса, ўзбек халқи ҳам ундан кўп азият чеккан. Шу маънода, отамнинг асарларида акс этган ҳаёт ҳакиқатлари ўзбек китобхонларининг ҳам юрагини забт этган, деб ўйлайман.

– Бугун ўзбек саҳнасида қўйилётган асарни Чингиз Айтматов “Ўғлим Асқарга” деб, Сизга бағишилаган экан.

►2

“ИНСОН УЧУН ҲАЁТ МУҲИМ, ЯШАШ ЗАРУР”

Boshlanishi 1-sahifada

да. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бу борада олиб бораётган ишлари мактогва лойик. Багрикенглик инсонга хос фазилат. У буни намоён этмоқда. Кирғиз-ўзбек асрлар давомида бирга яшашган. Уларни ажратиб бўлмайди. Бугунгидек тадбирлар мана шу юксак мақсадларга хизмат килади.

— “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ҳакида фикринги билмоқчидик.



**Қайта-қайта даласини
шудгор килар кўшилар,
Қайта-қайта сепадилар
ерларига уруғ, дон,
Қайта-қайта ёмғир билан
сийлар уларни осмон...**

**Умид билан ер ҳайдайди
одамлар,**

**Умид билан уруғ сочар
одамлар,**

**Умид билан денгиз кетар
одамлар,—**

деган сўзлар киритилган. Бу бежиз эмас. Халқлар тарихини эзгулик бир-бирiga boglab turadi. Ер, хаво, сув boglab turadi. Шу сабабли инсон учун ҳаёт муҳим, яшаш зарур.

— Адабиёт бу маънода инсонни тарбиялайди, демокрисиз...

— Албатта. Мана шу “Эрта қайтган турналар” асари болалигимда тарбиямга муҳим таъсир ўтказган. Ўйлайманки, бошқалар учун ҳам шундай.

— Сиз дипломат сифатида мамлакатларимиз истиқболига қандай қарайсиз?

— Мамлакатларимиз истиқболи кардошлигимизда, қондошлигимиз

— Бу Ўзбекистондаги нуфузли адабий газета. Бу газетани отам ҳам олиб туради. Уни ўзбек адабиётининг кўзуси деб атарди. Якинда газета саҳифаларида “Кирғиз-ўзбек дўстлиги тимсоли” деб номланган сухбат-маколада академик Оқил Салимов халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоказарининг илдизи терапияни борасида мuloхaza юритиб, кадрдан дўстси Чингиз Айтматов хотирасини агадайлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юрtingизда амалга оширилаётган ишлар ҳакида айтган гапларини ўқиб тўлқинланиб кетдим. Газета кейинги пайтларда Кирғизистонга етиб бормаяти, шекили. Маданий-маърифий алоказаримиз мустаҳкамланиши жараёнида эзгу анъаналар яна қайтадан ўйла кўйилиши керак. Кирғизистондаги ўзбек муҳлислигига ўзбек адабий газетаси, Ўзбекистондаги кирғиз муҳлислигига кирғиз адабий газетаси етиб бориши кардошлигимиз мустаҳкамланишига хизмат килади.

— Ташаккур.



Boshlanishi 1-sahifada

Эндилиқда уларнинг номларини тикилаш, хотирасини агадайлаштириш ўйлида талай ишлар амалга оширилмоқда, китоблар ёзилиб, музейлар ташкил килинмоқда.

Бу оғат бир ёки иккى халқ бошигагина ёғмади, собиқ иттифоқ худудидаги барча халқларни, Марказий Осиё минтақаси Республикалари, жумладан, Кирғизистонни ҳам қора кирғин четлаб ўтмади.

Булат Абдураҳмонов Кирғизистон миллий ҳафзисиги тизимида ишлаб юрган кезлардаёк кўпмиллати Кирғизистон худудида 1920 – 1953 йиллар давомида ноконуний ишлар амалга оширилиб, минг-минглаб одамлар ўйкотиб юборилганини билар эди. Ўша замон тили билан айтганда, ўзи ҳам чекист бўлган Булат Абдураҳмонов минг-минглаб инсонлар тақдирни кора тарихнинг кора қаърида колиб кетиши мумкин эмаслигини фахмларди. Вакти келиб, заҳматли меҳнатлар ва тинимсиз кора тер тўкиш эвазига у вижданли ҳамкасларни, шогирдлари ёрдами билан катагон килинган 20 минг инсоннинг номларини аниклаб, рўйхатини тузуб чиқди. Йигилган материаллар асосида “Кирғиз Республикасида сиёсий репрессия курбонлари китоби” 10 жилни ташкил этди. Орадан салқам бир аср – 100 йил ўтганидан сўнг авлодлари ўз аждодларининг қисматидан хабардор бўлиши имкони яратилди. Тикланган

номлар орасида кирғизлар билан бирга рус, ўзбек, украин, яхудий, немис, уйғур, хитой, корејис міллатларига мансуб одамларнинг исм-шарифлари ҳам учрайди. Ўтган асрнинг йигирманчи-эллигинчи йиллари Кирғизистондаги катагон курбонлари орасида 959 нафар ўзбек бўлган “Кирғиз Республикасида сиёсий репрессия

юникостон Республикасида түғилган ўзбеклар бу нафарни ташкил этади. Шунингдек, улар орасида иккى нафари – 1910 йилда таваллуд топган Қозибоя хожи Қосимов ҳамда Мирзумород Мирзарахматовнинг қаєрда түғилгани қайд этилмаган. Чамаси, отиши, чопиш, ўлдириш, йўқ килиш маҳоратини пухта эгаллаган терговчилар ўз-

Тўпга солиб отдингиз – кўрдик. Кудукка ташлаб ўлдирингиз – кўрдик. Энди буни бошкча ўлдирайлик... Қандай? Китобда Қирғизистондага кора кирғинда кирғиз халқи билан бирга келиб чиқиши Россия, Қозогистон, Тожикистон ҳамда Республикасида сиёсий репрессия курбонлари хақида маълумотлар берилдиши бу оғатдан хеч ким эмили колмаганини исботлайди. Чўнг Тошда отиб ташланганлар орасида атоли адиб Чингиз Айтматовнинг отаси Тўракул Айтматов ва унинг хамсафлари бўлганини хам аникланди.

Инсон зотининг кувончидан суюниб, кайгусига ҳамдард бўлиш юксак маданият мезонини ташкил этади. Айниқса, ўз миллатдоши қисматига бефарқ бўлмаган кардоши одам боласининг суюн тогидир. Шу мазнода, Чўнг Тош воқеаси кирғиз-ўзбек халқларининг, умуман олганда эса, Марказий Осиё халқлари томирлари чамбарчас боғланиб кетганини исботлайди. Чўнг Тошда фотонаси ўқилмай дағн этилган ўзбек, кирғиз, козок, туркман, тоғик кавму қариндошлар бир-бирига елка тутиб, кафларни дуога очган холда бир-бирини кучиб ётган мархум ота-боболари шаънига дуолар килишдан тарихий сабок олишади.

Шойим БЎТАЕВ

ЧЎНГ ТОШ ВОҚЕАСИ



курбонлари китоби”нинг алоҳида жилдида қайд этилади. Улар орасида Кирғизистон Республикасида түғилган ўзбеклар 753 нафарни, Ўзбекистон Республикасида түғилган ўзбеклар 171 нафарни, Хитой Халқ Республикаси худудида түғилган ўзбеклар 15 нафарни, Қозогистон Республикасида түғилган ўзбеклар 12 нафарни, То-

лари нариги дунёга жўнатаётган мактупларнинг хужжатларида “түғилган жойи” қисмини тўлдириб ўтиришга ҳафсала киммаган кўринишиади.

**Осип ўлдирингиз – кўрдик.
Босиб ўлдирингиз – кўрдик.
Чониб ўлдирингиз – кўрдик.
Минордан ташладингиз –**

кўрдик.

ИССИҚКЎЛ ФОРУМИ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ



Дунё адабиётни ташаббуси билан Иссиккўл бўйида ўтказилиб, Иссиккўл форуми номини олган халқаро анжуман дунё муммаларини кўтариб чиқиб, уларни ечиш йўлларини излагани билан ҳам шурхат қўзонди.

1986 йили унинг ташаббуси билан Иссиккўл бўйида ўтказилиб, Иссиккўл форуми номини олган халқаро анжуман дунё муммаларини кўтариб чиқиб, уларни ечиш йўлларини излагани билан ҳам шурхат қўзонди.

Ўзбек зиёлларни атоли адиб Чингиз Айтматов сайд-харакатларини ҳамиша кўллаб-куватлаб келишибди. Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари – газета-журналлар, айниқса, ўша пайтларда юз минглаб нусхаларда аҳолининг барча қатламлари орасига этиб бориб, кўпчиликнинг кўнглидаги гапларни топиб ўтиган “Ўзбекистон адабиётни ташаббуси” ҳафтаси газетаси саҳифаларида чиқишиларда улуғ ўзувчининг гоялари инсониятнинг истиқболига хизмат килишини барапла байлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш яғасини бугунги кунда ўз фолијатининг асосий йўналишига айтптирган “Ўзбекистон адабиётни ташаббуси” газетаси ҳам кейинги йилларда миллий адабиётимизнинг чинакам кўзуси сифатида нашр этила бошлаганидан ташқари, Марказий Осиё, туркӣ дунё, жаҳон адабиётни намуналарини бериб бориши, адабиёт муаммаларини ўртага олиб чиқишини ўзининг кутуп айлантириди. Кўпчилик томонидан этироф этилган бундай сайд-харакатлар ўзбек-киргиз муносабатларига ўз саҳифаларида кенг жой берган “Ўзбекистон адабиётни ташаббуси” газетаси номини олган халқаро анжуманни излагани билан ҳам шурхат қўзонди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш яғасини бугунги кунда ўз фолијатининг асосий йўналишига айтптирган “Ўзбекистон адабиётни ташаббуси” газетаси ҳам кейинги йилларда миллий адабиётимизнинг чинакам кўзуси сифатида нашр этила бошлаганидан ташқари, Марказий Осиё, туркӣ дунё, жаҳон адабиётни намуналарини бериб бориши, адабиёт муаммаларини ўртага олиб чиқишини ўзининг кутуп айлантириди. Кўпчилик томонидан этироф этилган бундай сайд-харакатлар ўзбек-киргиз муносабатларига ўз саҳифаларида кенг жой берган “Ўзбекистон адабиётни ташаббуси” газетаси номини олган халқаро анжуманни излагани билан ҳам шурхат қўзонди.

Бу этироф газета ижодий жамоасини хушнуд этиб, янги-янги ижодий парвозлар сари ундаиди.

Умид ЯХШИБОЕВА

Маъмура РАШИДОВА,
Алишер Навоий номидаги давлат
адабиёт музейи катта илмий ходими

Мухаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



ПОШКЕНІЛНИ ПИНГЛАЙМАН

(Сафар чоғида)

Амрико. Сиэтл. Отиб келар тонг...
Ёнимда – сукунат, ўлтирамиз жим.
У кўрар, нечоглик киймалар хижрон.
Нечоглик фироқда конар юрагим.
Бирдан жаранглайди Тошкент овози,
Жаранглар: “Тошкентдан гапирамиз!” Ох!..
Фалакка интилди руҳим парвози,
Тошкентни тинглайман! Минг шукр, Оллоҳ!

Қошимда қишлоғим Бешгул ястанди,
Жамолин кўргизди ям-яшил боғлар.
Лолакизгалдоклар ўт бўлиб ёнди,
Оlam ҳам тўлгандан гулга бу чоғлар.
Сарикжўя сайй тўйлиб оқади,
Кирғоздан тошади шўхлигидан гоҳ.
Болалар кўчада ўйнаб чопади...
Тошкентни тинглайман! Минг шукр, Оллоҳ!

Мусича мисоли кирдинг чарх уриб,
Чечакдек кўксимга қўйдинг бошингни.
Илоҳий бўйингдан туйдим, ки кўриб –
Ўн еттига кирган гулдай ёшинингни!
Бокаман – тўймайман, қалбим бўлар маст,
Ўтган баҳор шундай бўлганди ногоҳ.
Менга вакт ва замон асло чўт эмас:
Тошкентни тинглайман! Минг шукр, Оллоҳ!

МАНЗАРА

Манзурахонимга

Офтоб шошар эди ўз ётогига...
Тонгдан дунё кезди, кўп ҳориб-толди.
Ана, Туркистоннинг баланд тогига
Оловранг этаги илиниб қолди...

Кетди... Ёниб битди кўнглимда юлдуз,
Диллар кон, лол-хайрон, жаҳон ҳам
вайрон...
Уфқда ёзилиб қолди битта сўз:
Армон, армон, армон...

Кетди... пинҳон этиб ёлкинлигини,
Боқиб шундог фикр киласи экансан:
Нечо бир-бирингга яқинлигингни
Узоклашган чоғда билар экансан...

ҒАРДЛАР

* * *

Буқаламун дунёни кўринки, турфа олам:
Товуслар наҳсада колган
бойкушлар ила ҳамдам...

* * *

Кирдиму бошимга ёприлди бутун,
Айрилик оқшоми каби кора тун...

* * *

Ҳазрат Навоийдан илҳом олганим –
Халқим, миллатимни дилга согланим...

КУНГЛИМИЗ КУДРАДЛИ ТОҒЛАР СИНГАРИ

Ёдимда, иккимиз водийни кездик,
Қишлокларга бордик, чиқдик тоғларга.
Ватан жамолидан ифтихор сездик,
Таъриф ўйқул масъуд, хушнуд чоғларга.
Осор-атикалар этар дилни ром,
Кечимиш ва келажак, ток или гиёҳ...
Бари юрагимда нақшланмиш мудом...
Тошкентни тинглайман! Минг шукр, Оллоҳ!

Сендан-чи, ўйқул хабар ва ёки бир сас...
Кандай деб, ҳол сўра, жоним, садо бер!
Бандага зум килмак инсофдан эмас...
Қисматим зулмингта сабр! – шоир дер.
Ишк ила сийлади менин Худойим.
Қадримни кўтарди ул олий даргоҳ.
Зум кил, аммо бўл ёнимда доим!..
Тошкентни тинглайман! Минг шукр, Оллоҳ!

Разилга карши сен иш кўрсанг агар,
Разилга тенг бўлиб қолгунг мукаррар.

Биронга ўн бора яхшилик кўрсат,
Лол қолма, ёмонлик кайтса тез фурсат.

Дилдор, дилдормусен, асиљму ёрсен?
Дилга дорумисен, ё дилга дорсен?..

Кизлар кизлигига жондай жонона!
Ажаб, кайдан чикар ёмон кайнона?..

РУБОИЙ

Аввало ул ёри маҳбуб сўйдирмасин эрди,
Сўйдирсину vale жондан тўйдирмасин эрди.
Мен ошикнинг гарип шомин ёритсин-да шам,
Ёритмаса, ҳеч бўлмаса кўйдирмасин эрди...

МЕВАИЧА

Ургут тогларини кўргинг келдими,
Зарафшон бўйида юргинг келдими,
Боғлардан лолалар тергинг келдими,
Ҳа, юргинг соғиниб қолдинг-да анча...
Хатинг келаётир ўйлда, Меванча!

Чорчинор тагида ўйнаб юардинг;
Қизалоклар билан кувнаб юардинг;
Хуш-хандон, ер-кўкаб ўзни ураддинг;
Шумтакам, дердилар сени, мергандча...
Хатинг келаётир ўйлда, Меванча!

Соғиндингми мушфик онангни, барно?
Ҳар бир ишорангда оламча маъно,
Томчи кўз ёшинга бўлсин минг сано,
Бормикин юртни сенай севгана?
Хатинг келаётир ўйлда, Меванча!

На қилай, мен сендан йироқ, она киз,
Ич ёришмас ёкса чироқ, она киз,
Онангни зор этди фироқ, она киз,
Зорлик қанча бўлур, сўйлагил, қанча?..
Хатинг келаётир ўйлда, Меванча!

Тағтиш килиб бўлмас тақдир ишини,
Яшаган умрани, ёзу қишини,
Лекин бир нарса танг айлар қишини:

Нікоя

тахондаги кўрпаларнинг катига бос-
тириб кўярди. Шунда кўйлак дазмол-
лангандек текис бўлиб қоларди.

– Ойи, ювилган кирларни текис-
лаб ўтиримаг; – деди бир куни Сай-
ди опам. – Овора бўлиб нима кила-
сиз, ўзим дазмоллаб бераман-ку.

– Болал, акаларнинг кийимла-
рини ду килиб силайман, – катто-
йим жиддий гапиди.

– Шундай, ўтириб дуо кила ко-
линг-да.

– Йў-ўк, кўйлакларини силасам
мехрим ўтади.

Сайди опам индамай, кулим-
сираб кўя қолди. У жудаим кўнг-
ли очик, содда киз эди. Бизникига
тез-тез келиб турганидан ўзимнинг

ховли томонга ишора қилади. – У
темир ўйлда ишлайди, оқ ун бериб
туришади. Шунгаям шукр, бошка-
лар зогора нон еяпти-ку.

Үйни бурнагида уч пиликли юма-
лок кирогдаги човгун пишиллади.

– Пилигини пасайтириб кўй, бо-
лам, чойимиз нон пишгунча кайнаса
бўлди-да.

– Їхўп, – мен чаққон ўрнимдан ту-
риб, кирогазнинг олдига бордим-да,
чўнқайб ўтириб, гул япрогига ўх-
шаган туткичларни бураб, кирогаз
пиликларни пасайтира бошладим.

Бирдан ер сиљинди. Кўрик ке-
тиб янга каттойимнинг рўпарасига
келиб ўтириб олдим. Ўша темир

рига нур бўлишни кўнглига тушиб
эхтиросларга берилдими?

Ўй-ўйга уланиб, хаёл олиб коч-
ган уни. Қизгина истиқболга томон
шошар, йироқ уфқларга кўз тикиб,
орзуларининг ижобат бўлишини
ильтиклини килиб, алланималар дея
пичирларди. Ботиний туйгулари-
га шунчалар берилгандики, темир
Девнинг оламни тутган хайкириги
эшилганда сесканиб кетди. Шун-
да ер ларзага келди. Ёноги лолагун
киз ортига ўтирилиб ултурмади. Ву-
жуди осмону фалакка учди... Ёруг
оламга лоларанг қонлар сочили-ю,
киз зиминостонлик кўйнинга сингиб
кетди...

Бу пайтда каттойим ҳамон суп-
рага ётилиб ўтиради, мен
эса унга термилиб, оқ
ноннинг ёпилишини ку-
тардиди.

– Ох! – деди каттойим
бошини чайқаб. Унинг
ранги окариб, кўллари
харакатдан тўхтаб, тахтадек котиб
қолди.

Шунда яна бир чийиллаган
шовкин кўтарилид. Қулоқларни қо-
матта келтирган бу товуш авалги-
сидан ҳам ваҳимали ва қўрқинчи
эди.

– Нега тўхтади-и, нима бўлди-и?
– деда инграб юборди каттойим.

Ер сиљини, ҳаммаёк жимжит
бўлиб қолди. Мен заминни титратиб
чопаётган темир Дев тўсатдан тўх-
таб колгани, бу жудаим ёмон ал-
матлигини тушуниб, каттойимнинг
ахволига караб йиглаб юбордим.
Унинг тарашадек котиб қолган ву-
жудида қалтирок турди. Қовоклари
пирпирраб, лаблари алланималарни
тиммай пичирлади.

– Фалока-а-ат-т! – ховлидан
эрқак қишининг кичкирган овози
келди.

– Болам-м! – каттойим иккала
қўлини эшик томонга узатиб, нима-
нидир ушлаб колмоқчидек эмранди.

Бўялмаган кўхна эшик тарақлаб
очилди. Бўй узун, котма, эскириб
ранги унликан дўппи кийган одам

ишини кечаркин хатинг келганча?
Йўқ, кўлга тегмади хатинг, Меванча!

Факат хур Ватанинг куяр, кизим, деб,
Сени излагувчи ёлиз ўзим деб.
Кундай кўрар кўзим, ойдай юзим, деб,
Унинг армонлари кўпдур, туманча...
Хатинг келаётир ўйлда, Меванча!

Армонларим кўпдур, кўпдур, туманча...

ДУҲЕЛЛАР УМИДИ

(“Амрико дафтари”дан)

– Эй жимит гул! Бўйинг бори бир суям,
Кўк ўпар даражатлар поида хоккор,
Тирнокча гунчангни кўз-кўзлаб бу дам,
Қисимок, уринмоқ – сенгами даркор?

– Ким у? Бу сўзларга хайронман факат,
Кичкина кўнглимда, эх не-не ўйлар!

Кичкина кўнглимда улуг мухаббат
Ёргу дунёларнинг умидин куйлар!

Кичкина кўнглимда жам бўлди олам,
Кўнглимиз қудратли тоғлар сингари!

Кўрингиз, кичкина томирим билан

Кўтариб турибман ахир Ер шарин!

БИЗНИНГ БАРЛОС БОБОЛАР

(“Соҳибқорон” туркумидан)

“Хон тагойи барлос,
Мардикорга бормас!..
Мардикорга бормас,
Хон тагойи барлос...”

Шундай кўшик айтарди

Бизнинг барлос боболар.

Сўнг кўшикка изма-из
Уланарди дуолар.

Дўлвор, ўқтам овозлар

Тоғлар оша ўрларди.

Она юрт деб ўрганган

Кўнгилларни нурларди.

Боболар дуосидан

Куч олади Темурбек.

Қишлоқдан – жаҳон сари

Йўл солади Темурбек!


Шиддат билан лашкарга

Танлайди йигитлардан.

Битта ҳам кўшмас сағфа
Субутсиз иркитлардан.
Амирзода отланар
Тошкўргоннинг горига.
Иккисиз қадам баланд
Чикмок шарт юкорига.
Ярим ўйлда – хаво ўйқ,
Йигит колар ютоқиб...
Кулиб дейди Темурбек,
Йигит кифтига кокиб:
“Кийналдинг-а... кола кол...
Ўйлаганим – олис йўл...
Ким горга чиқса осон,
Шу бўлур бизга мақбул!

Тоққа чиқдим, кўркмадим,
Сувга тушдим, чўкмадим.
Молу сариқ чака деб
Обрўйимни тўкмадим.
Тин билмадим бир лаҳза,
Ўтда ёндим, ёнмадим!
Ният холис, айтдим сўз,
Айтганимдан тонмадим!

Ёв



САМАРҚАНД САҲНАСИДА “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН”

Самарқанд мусикали драма театрининг 109-мавсуми очиши маросимида Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” асари асосида саҳналаштирилган (Шахбоз Файзуллаев инсценировкаси) спектакль премьераси бўлиб ўтди. Тадбирга вилоятлардан кўплаб таникли ижодкорлар ташриф буориши. Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг маҳоратли ижодкорлари Турдимурод Худойбердиев, Шоҳсанам Облокурова, Бехруз Курбоналиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мехри Ҳакимова, Солијон Ҳакимов, Баҳтиёр Раҳимов, шунингдек, Ҳусен Маҳмудов, Сарвиноз Саитова ва Абдулазис Тоштемиров ижро этиши. Навоий газалларига басталган мумтоз кўшиклар истеъодли хонандалар Фотима Искандарова ва “Нихол” мукофоти совриндори Фиёс Облокулов ижроларида янгради. Саҳна безакларини моҳир рассом Миржалол Холиков, либосларни эса Махлий Холикова тайёрлади.

Премьерадан сўнг Маданият вазирининг ўринбосари Баҳодир Ахмедов театр жамоасини янги асар билан кутлаб, ижодий зафарлар тилади. Шундан сўнг театрнинг таникли актёrlари Баҳтиёр Раҳимов, Сарвиноз Саитова, Баҳром Сафоев ва Ниёс Облокулов “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишони билан тақдирландилар. Таникли режиссёр Аскар Ҳолмўминов, актриса Шоҳсанам Облокурова ва Турдимурод Худойбердиевга Самарқанд вилоят хокимининг ташаккурномаси ҳамда совғалари топширилди.

Сарвиноз МАМАНОВА,
театрнинг адабий бўлим мудири

Ўзбек миллий театри даргаларидан бири Баҳодир Йўлдошев ўзига хос ижодкор шаҳс, юксак маҳорат ва профессионал нуқтаи назарга эга ёрқин санъаткор эди ва шундай қолади. У Ўзбекистон театр санъати тарихига номи катта ҳарфлар билан ёзилган ҳақиқий Уста эди. Б. Йўлдошевни театр санъаси тарбиялади, волалигидан пардо орти таҳтадарининг ҳидини тушиб, саҳна кенгликларини кўриб-билиб катта бўлди, театрнинг сехр-жозибасини, сирини, нафасини, моҳиятини тушунишига ҳаракат килди. Унинг олдида касб танлаши муаммоси бўлмаган – режиссёр бўлишини аниқ билган.

Театр санъати институтида ўзбек театрининг бетакор ижодкори Тошлўжа Ҳўжает устахона-

сазовор бўлди. Бугун ўша йиллар театр амалиётiga назар ташласангиз, ушбу танлов бежиз бўлмаганини, ўз меросига, анъясига қайттанини аниқ кўрасиз. Устоз режиссёр тўқсончини йилларда бинчилардан бўлиб тегатринг нафис харакатларга асосланган оғзаки нотадаги мусикий воситаларига мурожаат килиб, “Ипак йўли” номли гўзал ва мазмундор спектаклни яратиб, ўзбек театри режиссурасида яна бир йўналиши очиб берди. У Навоий, Бобур, Нодира, Увайсий, Зебуниссо каби машҳур шахсларни саҳнада гавдалантириш орзусини ўзи узок йиллар бадиий раҳбар бўлиб ишлаган “Дийдор” театр-сту-



мик ҳолатлар, кўпмальонли харакатлар, куғли, ифодавий имо-ишоралар орқали содагина урф-одатларни кўрсатишга муваффак бўладилар. Актёrlар ижроси нуткининг байронлиги, ковушимилиги ва ишоналилиги билан томошабинни ҳайрон колдиради. Ойхон – Севинч Далабоева мафтуркорлиги, ўзига хос инжикилиги, кайсараги, ноз-истигнолари билан, Ҳидоятхон – (Нурмуҳаммад Иброҳимжонов) мазмундорлиги ва танзозларга хос гамзалари билан томошабинни ҳайратлашади. Отабек Искандаров эса паришин ва баҳтисиз рашичи Чўпон образини кутилмагандан кесатик, масҳаралаш услубида талкин этган. Қози ролидаги Ҳасанбай Мамашарипов ночор, кўркок, айни пайтда, эпчил, эҳтиёткор, топкир шахс образи намоён бўлади.

Хозир Баҳодир Йўлдошев номи билан атала-диган “Дийдор” театр-студияси навбатдаги мавсумини улуг санъаткор тугилган кунда унинг спектакли билан очди. Томоша бошланишиданок диккатни тортади. Залга киришини кутиб турган муҳлисларга труппа бошлиги Озодбек Олимовнинг кириш йўлини очиши илтимос килган овози эшилтилади. Томошабинлар бир-бирини кувид ўтайдиган, шу аснома нокулайлик учун муҳлислардан узр сўраб залга шошаётган актёrlарга йўл берадилар. Актёrlардан сўнг залга кирган муҳлислар ўриндикларга жойлашадилар. Ижрочиilar эса “Майрифатчилар келур, томошани кўрсату”, дэ машҳур кўшик мусикасига рагс тушган ҳолда, кийимларни тартибида келтиришадилар, реквизитлар ва бутафорларни жойлаштирадилар.

Шўхлик килиб, муҳлисларни кулгили томошага чорлаётган актёrlар ижроси томошабинни спектаклни кўришга тайёрлайди. Б. Йўлдошевнинг нияти ва ечимига эргашган ҳолда, майдон томошаси усули ва принципларидан фойдаланган саҳналаштирувчилар воқеаларни моҳиянган ёрқин ва комик саҳналарда пластик ва пантомимали интермедиялар, миниатюралар, кўшик-ракслар орқали кўрсатадилар. Актёrlар эркин импровизация (бадиҳа) асосида халк театрининг бойифода воситаларидан фойдаланган ҳолда ёрқин, ишончли характерларни яратадилар. Аниқ ко-

тилганни ўзига ошириди. Бугунги кунда жамоа, устоз ишлаган давридагидек, куч-гайрат, шижоат билан муҳлисларга янги-янги саҳна асарларини тақдим этмоқда.

Хозир Баҳодир Йўлдошев номи билан атала-диган “Дийдор” театр-студияси навбатдаги мавсумини улуг санъаткор тугилган кунда унинг спектакли билан очди. Томоша бошланишиданок диккатни тортади. Залга киришини кутиб турган муҳлисларга труппа бошлиги Озодбек Олимовнинг кириш йўлини очиши илтимос килган овози эшилтилади. Томошабинлар бир-бирини кувид ўтайдиган, шу аснома нокулайлик учун муҳлислардан узр сўраб залга шошаётган актёrlарга йўл берадилар. Актёrlардан сўнг залга кирган муҳлислар ўриндикларга жойлашадилар. Ижрочиilar эса “Майрифатчилар келур, томошани кўрсату”, дэ машҳур кўшик мусикасига рагс тушган ҳолда, кийимларни тартибида бир-бирларига ёрдамлашадилар, реквизитлар ва бутафорларни жойлаштирадилар.

Мухаббат ТЎЛАХЎЖАЕВА,
санъатшунослик фанлари доктори

ҚЎГИРЧОҚ ТЕАТРЛАРИ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ

ТАСВИР ВА МУСИҚА УЙГУНИГИ

“Юзиз” фильмни мисолида



Қозогистон Республикаси Шимкент шаҳрида Осиё ва Европа давлатлари ўтасида маданий алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантириш, қўғирчоқ санъати тархини ва анъаналарини оммалаштириш, ижодкорларни рағбатлантириш максадиди “Puppetland” I Халқаро қўғирчоқ театрлари фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда Қозогистон, Ўзбекистон, Киргизистон, Токиистон, Туркманистон, Россия, Туркия, Испания, Франция, Италия, Германия ва бошқа мамлакатлардан ўттиздан зиёд қўғирчоқ театрлари катнашди.

Фестивалда Ўзбек миллий қўғирчоқ театри Алишер Навоийнинг “Сабъи сайёр” достони асосида яратилган “Баҳром ва Дибором” спектакли билан иштирок этди. Асарни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Шомурод Юсупов саҳналаштирган, драматург Тўра Мирзо “Шоҳ Баҳром ва Дибором” кисаси асосида асосий мавзу ва гояни саклаган ҳолда кайта ишлаган. Асар учун танланган шаркона мусика (бастикор М. Тиор), мусикага хос кизлар хорининг жозабадар ракслари (хореограф О. Останина), маҳоратли актёrlар жамоаси, шаркона услубда ишланган қўғирчоқлар хилма-хиллиги (саҳналаштирувчи рассом В. Апухтин) хамда асар гоясини очишига хизмат килган тасвирий ечим, воқеалар кетма-кетлиги фестиваль хайъати аъзолари ва катнашчилари томонидан юкори баҳоланди.

Фестивалда оидрасида Ўзбек миллий қўғирчоқ театри бош режиссёри Ш. Юсупов маҳорат дарслари ўтказди. Шунингдек, Ўзбек миллий қўғирчоқ театри хамда Шимкент шаҳар қўғирчоқ ва ёш томошабинлар театри ўтасида минтақаларро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, халқаро маданий алоқаларни ривожлантириш ва профессионал қўғирчоқ театри санъатини оммалаштиришни кўзда тутган меморандум имзоланди.

Тақдирлаш маросимида Ўзбек миллий қўғирчоқ театри ижодкорлари “Puppetland” I Халқаро қўғирчоқ театрлари фестивалида “Энг яхши актёrlар ансамбли”, дебномланган диплом билан тақдирландилар.

Н.ҲАКИМОВА,
театршуннос

Ҳар қандай фильмнинг муваффақияти бадиий унсурларинг ўз ўрнида, тўлук ишилатишига боғлиқ. Бундай унсурлар орасида тасвир инсон тафаккурига таъсири қўлса, мусика ҳисларни жуношибнига келтиради. Кино санъатида мусика диалог ва монологлар билан маънавий яхлитлини ташкил этади. Бу ҳолат қаҳрамонлар характеристи билан ҳам зўйин боғлиқ.

Драматурглар орасида қаҳрамон характеристи ва диалоглар тузиш жиҳатидан Шароф Башибеков ижодий ноодатлиги билан ажralib туради. Адиднинг сценариийи ва пьесасида сатира устувор. Исамат Эргашев режиссёргида суратга олинган “Юзиз” фильмни фикримизга далиллар. Экрандан

фильм хакидаги илк титрлар кўриши билан оширилган фондаги мусика томошабинда сатирик кайфият уйғогади. Баҳо қаҳрамон Бегимкул (Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов) ишдан кайтмоқда. Кадрда айнан шу жараён намоён бўларкан, унга ҳамоҳанг мусикадан кандайдир бир шумликтининг “ҳиди” келиб туради. Бу қандай шумлилек экани эса томошабинга бирордан келиб туради. Йишини кутишадиган ҳолда, майдон томошаси тарзида кўйилган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асари асосида “Майсаранинг иши” спектакли Олмата ода бўлиб ўтган театр фестивалида Гран-прига

мирил, шумлика хос оханг бўлса, кейингида оханг сўзлашувчилар диалогига фалсафий рух бериб туради. М. Махмудов кўпгина ҳолатларда тақорий мусикий оханг орқали, фильм гоясидан оғишмаган ҳолда, муайян воқеалар тизимида қаҳрамонларга оханг келиб туради. Бундай вазиятда кадрнинг мазмун-моҳиятини ва эмоционал даражасини тўлаконли очиб беришга мувоффак бўлган.



Юқорида айтиб ўтилган жиҳатлардан ташкири, Кумушнинг (Ю.Ҳамидова) туғилган кунида мусика туфайли томошабини соғ туйғулар охангига, романтик кайфиятга ошино бўлади. Кумуш ва Бегимкулнинг суббатида қаҳрамоннинг сўзга усталиги яна бир бор кўзга ташланади. Воқеаларни ортига кайтар экан, К. Қаюмов томонидан кўйилган ҳолати, аниқ жараёнда кечачётган хис-туйғуларининг таржимони бўлиб хизмат килган. Яни лавҳа кискалиги туфайли ҳолат сўзни кўттармайди. Кадр чўзиладиган бўлса, охор йўқолиб колади. Бундай вазиятда кадрнинг мазмун-моҳиятини ва эмоционал даражасини тўлаконли очиб беришга мувоффак бўлган.

Юқорида айтиб ўтилган жиҳатлардан ташкири, Кумушнинг (Ю.Ҳамидова) туғилган кунида мусика туфайли томошабини соғ туйғулар охангига, романтик кайфиятга ошино бўлади. Кумуш ва Бегимкулнинг суббатида қаҳрамоннинг сўзга усталиги яна бир бор кўзга ташланади. Воқеаларни ортига кайтар экан, К. Қаюмов томонидан кўйилган ҳолати, аниқ жараёнда кечачётган хис-туйғуларининг таржимони бўлиб хизмат килган. Яни лавҳа кискалиги туфайли ҳолат сўзни кўттармайди. Кадр чўзиладиган бўлса, охор йўқолиб колади. Бундай вазиятда кадрнинг мазмун-моҳиятини ва эмоционал даражасини тўлаконли очиб беришга мувоффак бўлган.

Ўзгарди юз, ана қомат,
Кулиб боқди сенга омад,
Юрак музdir то қиёмат.
Багрингга гул эколмадинг,
Хунук хулқин буқолмадинг; –
жумлалари ва якунидаги кадр томошанинг хулосявий кисми бўлиб хизмат килади. Қўшиклиар ташланганида бастакорнинг драматургиядан келиб чиқиб ёндашгани фильм мувоффакияти сезиларли хисса кўшган.

Умуман олганда, сценарий, тасвир, режиссёр талкини, актёrlар ижросидан келиб чиқкан ҳолда мусиканинг бадиий яхлитлиги ташланади. Бинобарин, композитор М. Махмудовнинг “Юзиз” фильмига ёзган мусикаси тасвир ва мусика бадиий уйғунлигининг етук намуналиридан бир, дейиш мумкин.

Шуҳратбек ИСЛОМОВ,
киношуннос

Bolalar bekti

TANAFFUS Darsi



OSON DARS

"Nolinchi" sinfd
O'qiydi Jamol.
Qiziqib, unga
Berdim bir savol:

– Maktabda darsning
Osoni qaysi?
Deydi: "Eng osoni –
Tanaffus darsi".

MISI CHIQDI

– Yuzingni yuvib
Kelgin, jon qizim.

– Yuvdim, oyijon,
Top-toza yuzim.

– Qo'llaring kir-ku,
Yashirma bizdan.

– Qo'llarimmi, vo-oy,
Chiqibdi esdan.

QOROVUL

– Ur-re!!!
Yutdik futboldan
Bugun 5-“B”ni, –
Maqtanadi Matqovul
Yig'olmay lunj-labini.

Xol kiritdi ikkita,
Jasur urdi uchta gol.
O'tazmadik bitta ham,
Hisob bo'ldi beshu nol.

– Xo'sh, ne qilding sen o'zing,
Ayt-chi bizga, Matqovul.
– Menmi... o'yinchilarning
Papkasiga qorovul.

OVCHI

Maqtanadi Alisher:
– Otdim kecha katta sher.
Yana ikkita “paq-puq”,
Qarabsizki aiyq yo'q.
Qushni oldim mo'ljalga,
U ham quladi jarga.
Keyin uchta bo'rini
Quritib xo'b sh'o'rini,
Qirib tashladim birga,
Kecha men kirib... TIRga.

MERGAN AKAM
Mergan akam
Bir o'q bilan
Qulatadi
To'ng'izni.

Ammo qo'lda
Tutolmaydi
Qo'rqib, oddiy
Qo'ng'izni.

G'AMXO'R AKA
G'oljonik ukasidan
Olar ekan olmasin,
Deydi: – Ma, kichikrog'i,
Qo'ling tolis qolmasin.

Xudoyberdi KOMILOV

Ўзбек тили байрами куни муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Fafur Fyulom nomidagi нацирёт-матбаа ижод уйи томонидан чоп этилган олти жислди “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” ҳамда иккى жислди “Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли лугати” тақдимоти бўлиб ўтди.

ЯНГИ ИЗОҲЛИ ЛУГАТЛАР

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати” ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортик сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданиятга оид терминларни, шевалардан олинган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни, кенг истеъмолда мавжуд бўлса-да, турли сабаблар билан лугатларга кирмай колган сўзларни ўз ичига олади. Лугатнинг янги нашри 3000дан зиёд янги лугавий бирликлар билан тўлдирилган. Улар ўзбек халқ шевалари, халқ сўзлашув тилидан ҳамда ўзаро иктисодий, сиёсий, маданий алоқалар натижасида ўзбек тилига хорижий тиллардан кириб келган сўзлардан иборат. Лугат илк бор лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтишининг муҳим босқичи, дейиш мумкин.

“Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли лугати” иккى жилдигини тайёрлаш оркали эса, илк марта она тилимизнинг бойлиги хисобланган лексик



Taqdimot

синонимларининг кенг камровли лексикографик талкни амалга оширилди. Лугатдан лексик синонимларинг лексикография изоҳлари, синонимик катордаги сўзларнинг маъно ва нозикликлари, бу маъновий фарқланишларни далилловчи, ижобий-салбий баҳоси ҳамда услубий ўзига хосликларини кўрсатувчи иллюстратив мисоллар ўрин олган. Лугатга факат мустакил сўзлардан иборат синонимик қаторларгина эмас, балки ёрдамчи сўз туркumlari доирасидаги синонимик қаторлар ҳам кирилтилган.

Бундан ташқари, Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан “Ўзбек халқ сўзлари”, “Ўзбек тилининг катта изоҳли лугати”, “Ўзбек тили фразеологик лугати”, “Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли лугати”, “Ўзбек тилининг ўкув имло лугати”, “Ахборот технологиялари атамаларининг изоҳли лугати”, “Ўзбек халқ паремаларининг синонимик изоҳли лугати” каби китоблар ҳам чоп этилгани бу соҳадаги ишлар давом этаётганини кўрсатади.

Ўз мухбирмиз

Hajviya

Нимжон эшак омонат аравани ўйдим-чукур йўлда бир амаллаб тортиб бораяпти. Лиқиллаб қолган бесўнақай гилдиликлар хеч бир чукурчанинни килгани, ичига “калла” ташлайди.

Кирлад кетган яшил дўп-писини бостириб кийган аравакаш Ибройим мурт аламини камчидан олди, сўқина бошлади.

– Падарингта лаънат! Эшак бўлгандан кейин, эшак бўл-да, оёғингтага кара.

Кўча-кўйда хеч ким йўқ, уйлар ёпик... Шундай бўлса ҳам, Ибройим мурт эшикларнинг бироргаси очилиб, харидор топилиб колишидан умидвор. Шу сабабли кичкира бошлади.

– Ковок, турп, шолғом!
Кади, турп, шолғом! Кади, турп, шолғом!

Нихоят бир эшик кия очилиб, юмрукдай калла кўринди. Ибройим муртнинг юзи тиришди. Ахир, бу каллани яхши танийди. У бир соат гапни айлантириб, бошингин котиради, бирок хеч нарса сотиб олмайди. Дарё бўйига олиб бориб, сувиз кайтаради. Бу Макки бола¹. Кишлюқда ундан ўтадиган шумйўқ. Бирор ун олтмиш, яна бирор етимишда дейди. Аммо аник ёшини хеч ким билмайди. Юзига караб ҳам ёшини аниклаб бўлмайди. Фикринг унинг туктитмаган юзида тойини кетади ўғе. Хуллас, Макки бола йўлиқса, иш юришмайди.

Ўтган сафар Ибройим мурт унинг илтимосини рад килган. Карзга бир кило шолғом берип тур, деса бермаган. Энди у аланини олишига ўзини хакли, деб хисоблайди. Шу сабабли, у оддий савол берди. Ўѓё бу саволда хеч қандай шумлик йўқдайди.

Ибройим мурт нима дейишга ҳайрон бўлиб, бosh чайкади. Кейин эски шумлиги тутиб кетди.

– Ибби мурт, илиширик² йўқми?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайтанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим муртнинг бу саводан жони ҳалкумига келди. Тавба килдим, деди ўзича. Ўттиз йилдан буён савдо киламану хеч ким илиширик сўраган эмас. Колаверса, илиширикни нима килар экан бу бадахт? У ўзини босиб, илжайtанича гап килди.

– Макки ота, мана кади енг, турп енг, илиширикни нима киласиз? Қишининг ўртасида бу отаси номаълум мева каерда бор сизга?

Ибройим мур